



“Тасдиқлайман”

Хоратм вилоят статистика

бошкармаси бошлиғи

X.Мадаминов Х.Мадаминов

живер 2018 йил

**Демография ва меҳнат статистика
бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Хоратм вилоят статистика бошкармасининг Демография ва меҳнат статистика бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек унинг фаолиятини ташкил этишни тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва вилоят статистика бошкармасининг (кейинги ўринларда Бошкарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, Хоратм Вилоят статистика бошкармаси Низомига, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим демография ва меҳнат статистика бўйича фаолиятини бошқарманинг таркибий бўлинмалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади), давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини статистика бошкармаси бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига қирувчи масалалар бўйича бошкарма бошлигининг ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, бошқарманинг иш режаларини, бўлим иш режасини, Бўлим ваколатига

кирувчи масалалар бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади ва ижросини таъминлашда иштирок этиш;

статистик маълумотлар фойдаланувчилари талабини ўрганган ҳолда узок муддатли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориш;

Давлат статистика ишлари дастурининг статистик демография ва меҳнат соҳасига оид қисми бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

ишлаб чиқиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига Бўлим ваколати доирасидаги таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этиш.

давлат статистика соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда Бўлим ваколати доирасида иштирок этиш;

фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга бўлган талабига мувофиқ, статистика соҳаси бўйича ривожланаётган хорижий тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш;

худудий статистика органларининг хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида профилактика ишларини ташкил қилиш, ҳисобот ва ижро интизомини таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш, маъмурий амалиётни қўллаш борасидаги фаолияти мониторингини юритиш;

умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ статистик маълумотлар тизимини яратиш ва ривожлантириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

тавсия этилган халқаро стандартлар асосида статистикада сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш;

қонунчиликка мувофиқ, Бошқарма иш фаолиятида шаклланган архив ҳужжатларини жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга ошириш;

давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда статистика ахбороти билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлари ижроси юзасидан Бўлим ваколати доирасида йиллик ва чораклик статистик ҳамда тахлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

Демография ва меҳнат соҳаси бўйича очик статистик маълумотларни давлат статистика органлари, бошқа давлат органлари, халқаро ташкилотлар нашрларида жойлаштириш учун ва барча фойдаланувчиларга статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаш;

хорижий статистика органлари билан демография ва меҳнат соҳаси бўйича очик статистик ахборотларни алмашиш, республиканинг ривожланиши тўғрисида материалларни халқаро статистик тўпламларда чоп этиш учун ахборотларни тайёрлаш;

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, статистика бошқармасининг иш режаларини, бўлим иш режасини, Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади ва ижросини таъминлайди;

Давлат статистикасини ташкил этиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва ҳужжат лойиҳаларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва тегиш органларга киритиш бўйича таклифларни тайёрлашда иштирок этади;

Бўлимнинг иш усулларини янада такомиллаштириш, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва муносабат билдириш, ходимларнинг юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун масъулиятларини оширади;

корхоналар ва ташкилотлар ҳақида белгиланган тартибда тўлиқ ва аниқ маълумотлар билан давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда бошқа фойдаланувчиларни таъминлайди;

меҳнат муносабатлари бошқармаси, солиқ органлари ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

статистик демография ва меҳнат соҳасига оид махфий статистик маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлаш ва ҳимоялашнинг тегишли тартибини таъминлайди;

ҳудудий статистика органларига услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатади;

Бўлим томонидан ишлаб чиқилган статистик кўрсаткичларнинг ишончилиги, ҳолислиги, тезқорлиги, комплекслиги ва тизимлилигини таъминлайди;

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иқтисодийнинг энг муҳим устивор йўналишларини, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди;

Бўлим ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Статистика бошқармаси бўлинмалари ва ҳудудий статистика органларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

демография ва меҳнат соҳасидаги ишларни ташкил этиш самарадорлигини ошириш соҳасида раҳбариятга таклифлар киритиш;

демография ва меҳнат маълумотлар базасининг тузилиши ва дастурий таъминотига ўзгартиришлар бўйича таклифлар киритиш;

ўз ваколати доирасида Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ статистик ишланмаларни тайёрлаш муддатларига амал қилинишини назорат қилиш;

фойдаланувчиларга белгиланган тартибда демография ва меҳнат статистик маълумотларни тақдим этиш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар юзасидан бошқарма бўлинмалари билан йўриқнома бериш бўйича йиғилишларда қатнашиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишлар, шу жумладан халқаро йиғилишлар ишида, шунингдек халқаро лойиҳаларда иштирок этиш.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи тахлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлиғини, бўлим бошлиғи ўринбосари, бош мутахассис, етакчи мутахассисини олади.

11. Бўлимга Бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи ва бўлим мутахассислари бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Демография ва меҳнат статистика бўлими қуйидагиларни амалга оширади:

худудий статистика органлари, бошқарма бўлинмалари ва манфаатдор фойдаланувчиларга методик амалий ёрдам кўрсатиш;

статистик ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш жараёнига халқаро стандартларга мос стандарт тизимини босқичма-босқич жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш.

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

14. Бўлим иши Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек бошқарманинг иш

режалари, Бўлимнинг иш режалари ва Бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Давлат статистика кўмитасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарманинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларининг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва бошқарманинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

15. Бўлим бошлиғи:

Демография ва меҳнат статистикасига оид статистик кўрсаткичларни ишончилиги, объективлиги, тўлиқлиги ва тизимлилигини таъминлаш;

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, Бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлиғининг ўринбосарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Статистика бошқармасининг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек раҳбариятнинг топшириғига биноан Бўлим тасарруфига қирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Статистика бошқармасининг ва Бўлимнинг жорий ва истикбол иш режаларига мувофиқ Бўлим ваколатига қирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари захирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар захирасига қиритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, қирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказади;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат

хужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

16. Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бўлим бошлиғи ўринбосари бажаради.

17. Бўлим бошлиғи ўринбосари:

функционал вазифаларига мувофиқ меҳнат соҳасига оид барча материаллар, таклифлар ва хужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

меҳнат ресурсларининг йиллик балансини ҳисоблаш;

меҳнат ресурслари баланси кўрсаткичларининг дастлабки ҳисобларини чорақлик даврийликда тайёрлаш;

вилоят бўйича юридик шахслардаги бандлар тўғрисида дастлабки ҳисоб маълумотларини чорақлик даврийликда тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича бошқарма бўлинмаларининг таклифларини биргаликда умумлаштиради;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) ҳамда бошқарма бўлинмаларидан ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни белгиланган тартибда олишда ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланишда иштирок этади;

илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари Интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш асосида статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

меҳнат статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Imehnat shakli йиллик меҳнат ҳисоботи жадвал маълумотларини тайёрлаш;

меҳнат шароитлари аҳволи ва ишлаб чиқаришда шикастланганлик тўғрисидаги жадвал маълумотларини тайёрлаш;

корхона ва ташкилотларда иш ўринлари сони, корхона ва ташкилотлардаги мавжуд яратилган, қисқартирилган иш ўринлари, касаначиликдаги иш ўринлари сони, касаначиликда яратилган ва қисқартирилган иш ўринлари сони тўғрисидаги жадвал маълумотларини шакллантириш;

ноябр ойида тўлиқ ишлаган рўйхатдаги ходимларнинг иш ҳақи миқдори бўйича тақсимланиши тўғрисидаги умумлашган маълумотларни қиёсий ва таққослама

услугларда таҳлил этиш, таҳлилий жадвалларни шакллантириш бўйича маълумотларни тайёрлаш;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлинмаларига ва ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

бошқарма бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган методик ҳужжатларни, шунингдек ҳудудий статистика органлари тайёрлаган иш режалари ва бошқа материалларни бошқарма буйруқлари, регламентлари ва бошқа қарорлари талабларига, шу жумладан уларни расмийлаштириш талабларига, мос келишини экспертиза қилади;

ҳудудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

касбий малака даражасини тизимли равишда ошириб боради;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

19. Бўлим бош мутахассиси:

Бўлим бошлиғи ўринбосари вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бўлим бош мутахассиси бажаради.

функционал вазифаларига мувофиқ меҳнат соҳасига оид барча материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

меҳнат статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

меҳнат шароитлари аҳволи ва ишлаб чиқаришда шикастланганлик тўғрисидаги жадвал маълумотларини тайёрлаш;

корхона ва ташкилотларда иш ўринлари сони, корхона ва ташкилотлардаги мавжуд яратилган, қисқартирилган иш ўринлари, касаначиликдаги иш ўринлари сони, касаначиликда яратилган ва қисқартирилган иш ўринлари сони тўғрисидаги жадвал маълумотларини шакллантириш;

ноябр ойида тўлиқ ишлаган рўйхатдаги ходимларнинг иш ҳақи миқдори бўйича тақсимланиши тўғрисидаги умумлашган маълумотларни қиёсий ва таққослама услубларда таҳлил этиш, таҳлилий жадвалларни шакллантириш бўйича маълумотларни тайёрлаш;

давлат, хўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг идоравий ташкилотларини бошқарув, хизмат кўрсатувчи, техник ва ишлаб чиқариш ходимлари сонининг мониторинги тўғрисидаги жадвал маълумотларини тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга

ошириш бўйича бошқарма бўлинмаларининг таклифларини умумлаштиришда иштирок этади;

меҳнат соҳаси бўйича статистик тўпламлар учун маълумотлар тайёрлашда иштирок этади;

худудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишда иштирок этади;

Бўлим бошлигининг топширигига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

функционал вазифаларига қирувчи масалалар бўйича бошқарма бўлинмаларига ва худудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

касбий малака даражасини тизимли равишда ошириб боради;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бўлим етакчи мутахассиси:

Бўлим бош мутахассиси вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бўлим етакчи мутахассиси бажаради.

функционал вазифаларига мувофиқ демографияга оид барча материаллар, статистик ахборотлар, бюллетенлар, тўпламлар ва маърузалар, иктисодий ёзишмалар учун маълумотлар тайёрлаш учун шахсан жавоб беради;

демография статистикаси бўйича ойлик, чорақлик ва йиллик статистик ҳамда тахлилий маълумотларни тайёрлаш;

аҳолининг табиий ва механик ҳаракати тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни дастурга мувофиқ ўз муддатларида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

аҳоли сони тўғрисидаги дастлабки ва якуний маълумотларни ҳисоб-китоб ишларини юритиш;

аҳолининг ёш таркиби тўғрисидаги ва аҳолининг миллий таркиби сонини бўйича маълумотларни юритиш;

функционал вазифаларига қирувчи масалалар бўйича бошқарма бўлинмаларига ва худудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

касбий малака даражасини тизимли равишда ошириб боради;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;




вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Бошқарма бошлигининг

ўринбосари

Бошқарма юрисконсулти

Бўлим бошлиғи

 **А.Рахимов**
 **У.Бекдурдиев**
 **З.Бабаджанов**